

Экологиянинг баъзи бир масалалари

Абдувахоб Маматович Хунаров

Асал Икром қизи Дехканова

Ойсанам Сайдали қизи Утаева

Тошкент давлат техника университетининг Олмалик филиали

Аннотация: Мақола экология фанининг баъзи умумий назарий масалаларига, яъни табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсирнинг ҳудудий жиҳатларига бағишланган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг турли минтақаларидаги табиий ресурслар ва уларнинг ҳудудий бирикмалари қисқача ўрганилади.

Калит сўзлар: табиат, жамият, меҳнат тақсимоти, ресурс тақсимоти, барқарор ривожланиш, интеграция, биологик хилма - хилликни, ижтимоий экология

Some issues of ecology

Abduvakhob Mamatovich Khunarov

Asal Ikram kizi Dekhkanova

Oysanam Saydali kizi Utaeva

Almalyk branch of Tashkent State Technical University

Abstract: The article is devoted to some general theoretical issues of environmental science, namely the territorial aspect of the interaction between nature and society. It also briefly examines natural resources and their territorial combinations in various regions of Uzbekistan.

Keywords: nature, society, division of labor, distribution of resources, sustainable development, integration, biodiversity, social ecology

Табиат ва жамият ўртасидаги муносабат экология фанининг бош фалсафий масаласи ҳисобланади. Бу муносабатнинг марказида табиий шароит ва ресурслардан фойдаланиш туради. Бироқ экология умуман табиий ресурслардан фойдаланиш масаласи эмас, балки ушбу жараённинг ҳудудий жиҳатларини ва атроф муҳитга кўрсатаётган таъсирини ўрганади. Бу борада экология фанининг таркибий қисмлари бўлган регионал ва маҳаллий экология ўртасида ўзига хос “меҳнат тақсимоти”, “ресурс тақсимоти” мавжуд бўлиб, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги, интеграцияси табиат ва жамият муносабатларини

ягона ҳудудий тизим сифатида таҳлил ва тадқиқ қилади, уларни бошқаришнинг илмий асосларини ишлаб чиқади.

Таъкидлаш лозимки, инсоният ва фан-техника тараққиёти давомида табиат ва жамият орасидаги муносабат кўпроқ жамият “фойдасига” ўзгариб боради; агар дастлаб табиат устунликга эга бўлган бўлса, ҳозирги кунда инсониятнинг унга таъсири ва таъйиқи кучаймоқда. Шу маънода табиат ўзининг “табiiйлигини”, яъни бизга боғлиқ эмаслик хусусиятини йўқотиб, унинг ривожланиш қонуниятлари тобора ўзгариб бормоқда.

Авваллари табиий ресурслардан фойдаланиш тартибсиз ва кўп меҳнатни талаб қилмайдиган бўлган, кейинчалик эса бу жараён миқдор ва миқёс жиҳатидан интенсивлашган. Натижада, табиий ресурсларнинг инсоният ривожини учун чекланганлик аломатлари сезилиб борган ва улардан фойдаланишда иқтисодий тежамкорлик масаласи вужудга келган. Айни вақтда атроф муҳит муҳофазаси, табиатдан фойдаланишда экологик ёндошув зарурлиги долзарб бўлиб қолди. Сўнги йилларда эса табиатда биологик хилма - хилликни сақлаб қолиш, табиатга янгича муносабат, барқарор ривожланиш концепцияси каби оламшумул (глобал) аҳамиятга эга бўлган илмий ғоялар кун тартибига чиқмоқда. Табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг бундай эволюцион тарзда ўзгариб бориши конструктив ёки амалий экология фанининг пайдо бўлишини тақозо қилган. Шу маънода айтиш мумкинки, дастлаб экология соф биология фанлар таркибида бўлган бўлса, кейинроқ эса интеграллашган яъни табиий, ижтимоий ва техника фанлар орасида кўприк вазифасини бажарувчи фанга айланиб бормоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳоннинг етакчи ривожланган, саноат босқичидан ўтган (постиндустриал) давлатларида ахборот тизими ва ноишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланиши кўпроқ бевосита табиий ресурсларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, асосан инновация ва интеллектуал салоҳият, инсон омили таъсирида юзага келмоқда. Бундай мамлакатларда анъанавий биоэкология эмас, инсон ёки ижтимоий экология муаммолари кескинлашган. Аммо кўпчилик давлатлар миллий иқтисодиёти энг аввало улардаги бой табиий ресурслардан фойдаланиш ҳисобига ривожланиб бормоқда.

Маълумки ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси ҳудудий меҳнат тақсимотининг қай даражада шаклланганлигига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, табиий шароит ва ресурслар таъсирида вужудга келади. Бинобарин, у ёки бу ҳудуднинг иқтисодий ривожланишида қайси бир фойдали қазилма ёки бошқа турдаги табиий ресурснинг мавжудлигига эмас, балки уларнинг турли - туманлиги, экологик нуқтаи назардан ҳудудий бирикмалари (мажмуалари) ўзаро бир-бирига яқин жойлашганлиги муҳимдир. Мамлакатда ҳар хил табиий шароит ва табиий

ресурсларининг борлиги, масалан, чўл ва воҳа, тоғ ва водийлар, минерал ресурс ва бошқа хом ашё турларининг ҳудудий мужассамлашуви унинг ривожланишидаги муҳим экологик омил ҳисобланади.

Табиатдан фойдаланишнинг экологик асоси, энг аввало, ишлаб чиқариш тармоқлари ва аҳолини тўғри ҳудудий ташкил қилишда ўз аксини топади. Ҳудудий ташкил қилиш, тизим - таркиб нуқтаи назардан бошқариш демакдир. Бу ҳам эса амалий экологиянинг асосий масаласи саналади. Ишлаб чиқариш тармоқлари, худди шахмат доскасида жойлашган фигуралар каби, ҳудуд ва корxonанинг хусусиятларини уйғунлаштирган ҳолда, мақсадга мувофиқ тарзда ўз ўринларига эга бўлишлари керак. Айтайлик, металлургия комбинати, кимё заводи, цемент заводи, мактаб, бозор, Олий таълим муассасалари ва ҳакозолар бир жойда эмас, тўғри ҳудудий ташкил этилиши маълум шарт - шароитлар ва илмий - ёндошувни талаб қилади. Бу ерда барча соҳаларнинг “штандорти”, яъни стандарт, табиат ва аҳоли манзилгоҳларига салбий таъсир кўрсатмайдиган ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг мақбул тизими бўлиши талаб этилади.

Баъзи ҳолларда иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли жойлашуви ва табиий шароит ўртасида географик номувофиқлик вужудга келади, натижада, экологик муҳит бузилади, ҳудуд имконияти ва хусусиятидан тўғри фойдаланилмайди. Зеро, ҳар бир жойнинг айнан маълум бир соҳага қулайлиги ёки мойилли мавжуд, экологиянинг асосий мақсади эса ҳудуднинг хосияти ва хусусиятини аниқлаш, тўғри баҳолаш ва улардан самарали фойдаланиш йўлларини асослаб беришдан иборатдир.

Экологик фикрлаш, экологик билим ва маданият табиат ва жамият, аҳоли ва ишлаб чиқариш жойланиши ўртасидаги ижобий муносабатни шакллантиришга ёрдам беради. Чунки, эколог ҳамма вақт масалага комплекс ёндошади, фақат иқтисод эмас, экология ва ижтимоий вазиятни ҳам эътиборга олади, ҳар қандай таъсирда акс таъсир борлигини унитмайди.

Ўзбекистон Республикаси анча катта ер ресурсларига эга. Бироқ улардан фойдаланиш имконияти, шарт - шароити ва даражасида ички ҳудудий тафовутлар кузатилади. Маълумки ер кўп мақсадда фойдаланадиган муҳим табиий ресурс ва бойликдир. Саноат, транспорт, ижтимоий соҳа корxonалари, уй - жой қурилиши, аҳоли жойлашуви маълум миқдорда ер майдонини талаб қилади. Бу муаммо, айниқса бозор муносабатларига ўтиш даврида бирмунча кескинлашди. Айни вақтда, ердан маълум бир режага асосланмаган ҳолда фойдаланиш ҳоллари юзага келди. Масалан, шаҳарлар ҳудуди атрофига кенгайиши билан бирга ичкаридан зичлашиб бормоқда, қишлоқ жойларда ҳам уй - жой қурилиши баъзан тартибсиз олиб борилмоқда. Бундай шароитда ердан тўғри фойдаланиш, унинг ўзини турли соҳалар жойлашуви учун ташкил этиш муҳим муаммо бўлиб қолди.

Албатта, хусусан бизнинг республикамизда ер, энг аввало, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ҳудудий ташкил этишда асосий ресурс ҳисобланади. Аммо қизиғи шундаки, ер майдони каттароқ жойларда сув манбалари йўқ ёки оз миқдорда ва, аксинча, нисбатан сув билан таъминланган ҳудудларда обикор деҳқончилик учун ер майдони етишмайди. Ер ресурслари аҳоли зич жойлашган Фарғона водийси, Хоразм ва бошқа вилоятларнинг воҳа қисмларида анча кам. Демак, бу ҳудудларда ердан фойдаланиш маданияти юқори бўлмоғи лозим (Япония, Германия, Нидерландия, Хитой, Корея республикаси каби мамлакатларда бу борада бой тажрибаларга эга).

Умуман олганда, мамлакатимиз ижтимоий - иқтисодий ривожланишида сув ресурсларидан фойдаланиш янада, кескинроқ. Чунки, юртимизнинг асосий гидрологик шаҳобчалари трансчегаравий характерга эга. Бинобарин, сув ресурсларидан фойдаланиш муаммоси халқаро ҳамкорлик, ўзаро манфаатларни мувофиқлаштирган ҳолда, тегишли ҳуқуқий - ташкилий асослар доирасида ҳал этилиши лозим. Бу хусусда ҳудудий туташ давлатлар фақат миллий манфаатларнигина эмас, балки яхши кўшничилик муносабатларини ривожлантириш, Марказий Осиё мамлакатларида ўзига хос геосиёсий ва ягона иқтисодий маконини яратиш нуқтаи назаридан саъй - ҳаракат қилишлари замон талабидир. Қолаверса, ҳар қандай гидротехник лойиҳалар пухта ишланган бўлиши ва уларнинг экологик таъсири ҳам эътибордан четда қолмаслиги зарур.

Республикамиз йирик ёқилғи - энергетика ҳамда турли хил минерал ресурс хом ашёларига бой. Айниқса, бу ерда табиий газ, олтин, уран, мис, ҳар хил туз захиралари кўп. Бироқ, одатдагидек, уларнинг ҳудудий таркиби, ўзаро жойлашуви бир хил эмас. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида тоғ - кон кимёси саноати учун имкониятлар катта ва мавжуд захиралардан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Бу минтақа келажакда нефт - газ ресурсларига бой бўлиши мумкин. Нисбатан кичик майдонни эгаллаган Султонувайс тоғ - ҳудудида эса турли хил қазилма бойликлар топилган. Аммо уларнинг геологик жиҳатидан яхши ўрганилмаганлиги ёки саноат ишлаб чиқариши учун захираларнинг озлиги сабабли бу ҳудуд имкониятларидан ҳозирча кенг кўламда фойдаланилмаяпти.

Республикамизнинг Навоий вилояти рангли ва нодир металлар, фосфорит, қурилиш материаллари саноати хом ашёсига, Қашқадарё нефт-газ, ҳар хил туз конларига, Сурхондарё кўмир, туз ва полиметалл рудаларига, Тошкент вилояти кўмир, рангли металлар, қурилиш материаллари саноати хом ашёсига ва ҳ.к. Шунингдек Жиззах ва Самарқанд вилоятларининг минерал ресурс салоҳияти ҳам сезиларли даражада катта. Айни вақтда қолган ҳудудлар, хусусан Хоразм, Андижон ва Сирдарё вилоятларида бундай имкониятлар биров чекланган.

Худди шундай, рекрация ва туризм ресурслари ҳам мамлакат худуди бўйича бир хил тақсимланмаган. Демак, агроиклимий, минерал хом ашё ресурсларининг худудий таркиби мамлакатимизнинг турли вилоятлари ижтимоий - иқтисодий ривожланиш стратегияси ва концепциясини, дастурларини ишлаб чиқишда эътиборга олинishi керак. Бундай дифференциялашган минтақавий сиёсат ўзига хос экологик экспертизани, худудларнинг ижобий имкониятларидан тўғри ва самарали фойдаланишни, салбий ёки етишмайдиган омилларни, хавф туғдирадиган тўсиқларни бартараф этишни талаб қилади (бу борада SWOTусулини қўллаш яхши натижалар беради).

Табиий ресурсларнинг худудий бирикмалари асосида тармоқлараро ва худудий ишлаб чиқариш мажмуалари шаклланади. Жумладан Ангрэн - Олмалик тоғ - кон, Қашқадарё ёқилғи -ёқилғи энергетика мажмуалари бунга мисол бўла олади; бу борада цикллар ғоясидан фойдаланиш ҳам аҳамиятлидир (энергия ишлаб чиқариш цикллари, ресурс цикллари ва б).

Табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш, табиий шароит ва ресурсларни яхши билиш, баҳолаш экология фани ва таълимида ҳам ниҳоятда зарурдир. Хусусан, экология ва амалий экология фанларини ўзаро яқинлаштирувчи илмий тадқиқотлар, масалан, рекрация ва туризм, мелиоратив, муҳандислик экологияси, тиббий экология каби йўналишларнинг жадал ривожланиши ҳозирги замон талабидир. Юзага келган ҳолат таҳлили шуни кўрсатдики, экологлар айрим ҳолларда ўзларининг анъанавий тадқиқот соҳаларини бошқа фанлар билан боғлиқ ҳолда ёндашишлари зарур. Экологлар анъанавий тарзда комплекс, атрофлича ва айни вақтда, геоэкологик жиҳатидан ҳам қарайди.

Табиий шароит ва ресурсларга мос ва хос ҳолда хўжалик тармоқларини жойлаштириш, табиат ва жамият ўртасидаги хусусият ва экологик қонуниятларни чуқур англаш, билиш экология фани таълимини яхшилашнинг муҳим йўналиши бўлмоғи даркор. Бунда инсонлар табиий шароит, жойнинг ер усти тузилиши, иқлим ва об-ҳаво, намгарчилик миқдори ва йил фасллари бўйича тақсимланиши, дарё ва кўллари, ўсимлик ва ҳайванот дунёси, минерал хом ашё ресурслари ва энг муҳими, уларнинг худудий бирикмаларини ўрганиши ва баҳолаши экологик билимлар шаклланишининг соф экологик қонуниятларнинг асоси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Солиев А.С., Хунаров А.М., Муйдинов М. Современные проблемы экономического районирования// Материалы международный - научно-

теоретический конференции «Туризм и экономика» Киргизстан. Ошский Технический Университет., - 2001.

2. Хунаров А.М., Курбанов Ш.Б., Якшимурадова Д.К. Тошкент вилояти йирик саноат марказлари ривожланишининг баъзи бир. *Journal of Geography and Natural Resources. SJIF 2022*

3. Xunarov A.M., Riskulov X.A. *Academicia An International Miltidisciplinary Research Jornal Vol.11, Isse 1, January 2021., Pp.925-928.*

4. Adilov, T. T., Israilova, X. M., Uzohkov, I. E., Axtamov, M. X., & Rahmatullayeva, X. I. (2021). Food security: National food market strategy. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(2), 619-626.

5. Хунаров, А. М., & Узаков, И. Э. (2022). Современные проблемы экологического районирования. *Science and Education*, 3(9), 218-223.

6. Karimqulov, Q. M., Uzoqov, I. E., Sarikulov, M. X., & Xursanova, M. Y. (2022). Oziq-ovqat mahsulotlarini sifatini aniqlash va tasniflash usullari. *Science and Education*, 3(9), 157-161.

7. Рискулов, Х. А., Адиллов, Т. Т., & Узоқов, И. Э. (2022). Перспектива развития туризма в Узбекистане. *Science and Education*, 3(7), 334-339.

8. Uzoqov, I. E., Lapasova, Z. K., & Jabborxonova, G. A. K. (2022). Oziq-ovqat mahsulotining xavfsizligi: muammolar va yechimlar. *Science and Education*, 3(7), 41-52.

9. Sarikulov, M. X., Uzoqov, I. E., & Lapasova, Z. K. Q. (2022). Oliy ta'lim muassasalarida yosh kadrlarni sifatli inklyuzif o'qitishni rivojlantirish va yetuk kadrlarni tayyorlash. *Science and Education*, 3(6), 784-788.

10. Uzoqov, I. E., & Bahodirova, N. G. O. Q. (2022). Tovarlar kimyosi ixtisosligida oziq-ovqat mahsulotlarining kimyoviy tarkibining o'rnini. *Science and Education*, 3(12), 365-368.

11. Karimqulov, Q. M., Uzoqov, I. E., & Sarikulov, M. X. (2022). Tovuq go'shtining tarkibini aniqlash va sinflash. *Science and Education*, 3(10), 151-158.

12. Uzoqov, I. E., & Ajabborxonova, G. (2022, June). IQLIM O'ZGARISHINI OLDINI OLISH VA IQTISODIY SAMARADORLIKGA ERISHISH. In *Archive of Conferences* (pp. 224-230).

13. Umarov, T., & Bekturov, D. (2021). The main parameters of the cutting process and technological factors affecting the reliability of the axial tool. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1932-1943.

14. Досметов, С. Г., & Бектуров, Д. Х. (2022). Вопросы защиты граждан от опасностей. *Science and Education*, 3(12), 301-308.

15. Gulmetuli, D. S., & Kholtursinovich, B. D. (2022). On the Harmful Effects of Strong Drinks. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY*, 3(11), 135-141.
16. Umarov, T., & Bekturov, D. (2021). Drilling in heat treated steel. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 10(3), 425-430.
17. Мамадалиева, Н. А. (2022). Ресурсосбережение основа экономического роста. *Science and Education*, 3(12), 427-433.
18. Мамадалиева, Н. А., & Исломова, Р. А. (2022). Кимё Саноатида Ишловчилар Учун Экотуризмнинг Аҳамияти. *Miasto Przyszłości*, 30, 65-68.
19. Mamadaliyeva, N. A. (2021). The Importance of Ecotourism for Those Working in the Chemical Industry. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 1(1), 1-4.
20. Mamadaliyeva, N. A. *MACROECONOMIC IMPORTANCE USE AND CONSUMPTION OF PHOSPHATE FERTILIZERS. GWALIOR MANAGEMENT ACADEMY*, 9.
21. Мамадалиева, Н. А. (1995). Экономическая эффективность производства фосфорсодержащих удобрений в Узбекистане.
22. Улашев, И. О., Мамадалиева, Н. А., Ашурова, Н. Б., & Кучкаров, Н. С. (2006). Правовая налоговая политика недропользования в Республике Узбекистан. *Горный журнал*, (9), 42-43.
23. Салимов, Х. В., & Мамадалиева, Н. А. (2006). ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ НАСЕЛЕНИЯ В НАВОИЙСКОМ РЕГИОНЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН. In *Труды международной научно-технической конференции Энергообеспечение и энергосбережение в сельском хозяйстве (Vol. 4, pp. 336-338)*. Государственное научное учреждение Всероссийский научно-исследовательский институт электрификации сельского хозяйства Российской академии сельскохозяйственных наук.
24. Sokinaxon, X. J. R. (2022). XALQARO MUNOSABATLARNI BILDIRUVCHI TERMINLARNING STRUKTURAVIY VA SEMANTIK TAHLILI. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(3), 355-358.
25. Sarikulov, M. X., Uzoqov, I. E., & Lapasova, Z. K. Q. (2022). Oliy ta'lim muassasalarida yosh kadrlarni sifatli inklyuzif o'qitishni rivojlantirish va yetuk kadrlarni tayyorlash. *Science and Education*, 3(6), 784-788.
26. Хамрохонова, С. Ж. (2020). ФРЕЙМЫ «ГОСТЬ» И ГОСТЕПРИИМНЫЙ ЧЕЛОВЕК. *Студенческий вестник*, (29-1), 26-27.
27. Hamrahonova, S. J. (2020). THE LINGUOCULTURAL LANDSCAPE OF THE WORLD AND ITS REFLECTION IN LANGUAGE. *Экономика и социум*, (10 (77)), 294-296.

28. Xamraxonova, S. J. (2020). DUNYONING LINGVOMADANIY MANZARASI VA UNING TILDA AKS ETILISHI. Academic research in educational sciences, (3), 1199-1203.

29. Jo'raxonovna, S. X. Aspects of Teaching Foreign Languages at a Technical University. Preprint not peer reviewed.

30. Xamroxonova, S. J. (2022). O'zbek tilidagi iboralar tizimini o'rganishning nazariy muammolari. Science and Education, 3(10), 659-663.

31. Сариккулов, М. Х. (2021). Ёш авлодни соғлом қилиб тарбиялашда жисмоний соғломлаштиришнинг аҳамияти. Academic research in educational sciences, 2(5), 881-887.

32. Turdimovich, A. T., & Khasanovich, S. M. (2021). THREATS POSING A DANGER TO CIVILIZATION AND HUMANITY.

33. Sarikulov, M. X., Uzoqov, I. E., & Lapasova, Z. K. Q. (2022). Oliy ta'lim muassasalarida yosh kadrlarni sifatli inklyuzif o'qitishni rivojlantirish va yetuk kadrlarni tayyorlash. Science and Education, 3(6), 784-788.

34. Adilov, T. T., & Sarikulov, M. K. (2021). On the Negative Influence of Radiation on the Human Body. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630), 9, 126-130.

35. Адиллов, Т. Т., & Сариккулов, М. Х. (2022). Проблемы экологии и здоровье населения на современном этапе. Science and Education, 3(4), 50-58.

36. Adilov, T. T., Sarikulov, M. K., Riskulov, H. A., & Kh, N. (2021). Kuchkarova To Study the Problem of Drinking Water Shortage and Public Health IJAET International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology| e-ISSN: 2792-4025| <http://openaccessjournals.eu>| Volume: 1 Issue: 5 in October-2021 ISSN 2792-4025. Copyright (c), 192-196.

37. Сариккулов, М. Х., & Адиллов, Т. Т. (2019). Некоторые вопросы гражданской защиты на современном этапе. Вопросы науки и образования, (2), 30-37.

38. Хунаров, А. М., & Узаков, И. Э. (2022). Современные проблемы экологического районирования. Science and Education, 3(9), 218-223.

39. Хунаров, А. М. (2022). ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ЭКОЛОГИК АСОСЛАРИ. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(4), 66-69.

40. Mamatovich, X. A., & Artykbaevich, R. H. (2021). Recreational zoning of the territory of uzbekistan. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL, 11(1), 1648-1651.

41. Khunarov, A. M., Kurbanov, S. B., & Yakshimurodova, D. Q. (2022). SOME ISSUES OF DEVELOPMENT OF LARGE INDUSTRIAL CENTERS. Journal of Geography and Natural Resources, 2(01), 81-88.